



ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР СИФАТЛИ ВА ШАФФОФ БЎЛСА БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 сентябрь куни қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари тармоғини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланишига катта туртки берадиган соҳадир. Ҳар бир лойиҳа қурилиш материаллари ва жиҳозларга, ишчи ва мутахассисларга талабни оширади. Янги мажмуалар атрофида янги иш ўринлари, инфратузилма ва хизматлар пайдо бўлади.

Сўнгги етти йилда қурилиш материаллари соҳасига 9 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5 мингта яқин янги корхона ишга туширилган, 94 мингта доимий иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқариш 2 қарра ўсган, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан зиёд корхоналар 150 тадан ошган.

Охириги беш йилда бунёдкорлик ҳажми 2 баравар кўпайган. 650 миллион долларлик янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳисобига қурилишдаги импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга камайган.

Қурилиш материаллари экспорт бозори кенгайиб, 58 тага етди. Хорижда 20 дан ортиқ савдо омборлари, 50 дан зиёд дўкнорлар очилди. Бу йил экспорт миқдорини 1 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Шу билан бирга, соҳада муаммолар ҳам бор, имкониятлар эса кўп. Йиғилишда давлатимиз раҳбари уларни таҳлил қилиб, янги ташаббус ва вазифаларни айтди.

Бугун юртимизда қуввати 140 минг тонна бўлган 7 та базальт корхонаси бор. Бинокорликда бу маҳсулот кенг қўлланаётгани натижада янги уй-жой ва ижтимоий биноларда энергия сарфи 20 фоизга камайган.

Лекин бундан ташқари, қуёш нури қайтарувчи ойна, вермикулит аралашмаси каби материалларни ишлайтиб, энергия сарфини яна 2 баравар қисқартириш мумкин. Биноларнинг фасад қисмида фибро толали панелдан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган цемент ва бойитилган қум ўзимизда етарли.

Мутасаддиларга шу каби муҳим қурилиш материалларини юртимизда ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди. Жумладан, Қувасойдаги “Кварц” корхонасида 20 миллион долларлик, Жиззахдаги ойна заводида 10 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари бажарилиши айтилди.

Умуман, тадбиркорлар билан биргаликда, 3,5 миллиард долларлик 350 та янги лойиҳа режалаштирилган. Уларнинг қурилишига ҳамда фаолиятига камбағал оилалардан 50 минг фуқарони ишга жойлаштириш кўзда тутилган.

Қурилиш материаллари тайёрлашда энергия сарфини камайтириш жуда муҳим. Бу унинг таннархига, харидорлигига таъсир қилади.

Сўнгги икки йилда бу тармоқда ишлаб чиқариш 1,2 қарра ошган бўлса-да, шундай чоралар ҳисобига энергия сарфи 1,3 баробар, энергия сифими 1,6 баробар камайди. Мисол учун, “Қизилкумбемент”да иссиқлик алмашиш ускуналари реконструкция қилиниб, йилига 37 миллион киловатт соат электр тежалди.

Бугунги кунда илгор хорижий корхоналар иссиқлик энергиясидан қайта фойдаланиш орқали электр олиш технологиясини фаол қўлламоқда. Шу асосида, энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхонада энергия аудитни яқунлаб, йилига 300 миллион киловатт соат электрнинг иқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Ҳозир юртимизда ишлаб чиқарилаётган 170 номдаги қурилиш материалдан 97 таси бўйича ички талаб қопланган. Лекин бозор тўлиқ ўрганилмасдан, шунга ўхшаш лойиҳалар яна режаланган.

Шу боис, энди бозор тўйинган қурилиш материаллари рўйхати эълон қилинади. Ички ва ташқи эҳтиёждан келиб чиқиб, янги маҳсулотлар бўйича таклифлар тайёрланиб, очик порталга жойлаштирилади. Лойиҳалар “Узсанотқурилишматериаллари” уюшмасининг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур уюшма ҳузурида Корея тажрибаси асосида синов лабораторияси ташкил этилади.

Аниқланган қум-шағал майдонларини аукционга чиқариш, нурда конлардан ноқонуний фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги етти йилда мамлакатимизда қарийб 100 миллиард долларлик қурилишлар бўлган. Бу соҳадаги ишлар ҳажми йилига ўртача 7-8 фоиз ўсмоқда.

Дунёда қурилиш индустрияси кун сайин ривожланиб, янги технология ва инновациялар амалиётга кириб келяпти. Лекин юртимизда ҳалигача эскича стандарт ва ёндашувлар сақланиб қолмоқда.

Замонавий услублардан орқанда қолиб кетмаслик учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини мунтазам янгиллаб бориш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, жойларда туризм, савдо ва сервисни ривожлантириш мақсадида кичик ҳудудларнинг мастер режалари ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Бухоро ва Навоий вилоятларида ишлар жадал бўлиб, дастлабки ерлар тадбиркорларга сотилган. Лекин айрим вилоятларда бу жараён ҳозирча суёт экани кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ҳокимларига ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва урбанизация бўйича 48 та, туризм зоналарини ташкил этишга қаратилган 20 та, йўл бўйларини савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича 68 та мастер режани жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Қурилишлар сифати масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айрим пала-партитиш лойиҳалар одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Қурилаётган ҳар бир иншоот бўйича кунлик назорат ўрнатилиши белгиланди. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармаларида штаб ташкил қилинади. Давлат ҳисобидан қурилаётган ҳар бир бинога видеокамералар ўрнатилиб, инспекцияга маълумотлар онлайн бориб туради.

Шунингдек, ноқонуний қурилишлар бўйича маҳалла раислари ва жамоатчилик назорати кучайтирилади. Ҳар бир қурилаётган иморат олдида “QR” коди маълумотлар ёзиб қўйилади. Бу бўлмаса, қурилиш ноқонуний ҳисобланади.

Мутасаддиларга қурилиш назоратида янги рақамлашган тизим яратиш, тегишли инспекция фаолиятини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ҳар бир вилоятда ташкил қилинган Шаҳарсозлик кенгашлари фаолияти бўйича ҳам эътирозлар кўп. Кенгашга киритилган лойиҳаларни

кўриб чиқиш ва келишиш оилаб қўйилди.

Шу боис, ушбу кенгашлар билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилади. Энди унга барча лойиҳалар “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали электрон киритилади. Кенгаш аъзолари лойиҳани кўриб чиқиш мuddати 15 кундан ошмайди.

Уй-жойлар қурилишида алдов, тушунмовчиликлар учраб турибди. Шу боис, энди уй-жой сотиб олиш бўйича кафолатли “эскроу” тизими жорий қилинади.

Бунда қурувчилар ўзлари қураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузади. Хонадон оломқи бўлган одамлар пулини қурувчига эмас, тўғридан тўғри банкка топширади. Банклар эса йиғилган пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Янги банклар қуруви ва харидор ўртасида “кўприк” бўлиб, уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриб, эгасига топширишга кафил бўлади.

Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Қурилишлар сифати ходимларнинг билим ва маҳоратига ҳам боғлиқ. Шу боис, энди қурилишдаги ишчилар малакасини баҳолайдиган тизим татбиқ этилади.

Бунда касбларга малака даражаси ва иш ўринларига аниқ талаблар белгиланади. Уни эгаллашчи учун талабдорлар профессионал таълим муассасаларида ўқитилади. Мустақил ёки шогирд сифатида ўрганиб, малака имтиҳонидан ўтган мутахассислар ўқимасдан сертификат олади.

Ҳудди шундай тизим лойиҳа ташкилотлари учун ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича тадбиркорларнинг таклиф-мулоҳазаларини эшитди. Маҳаллий хомашёлари қайта ишлаб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрлаш, мажбурий сертификат тизимини жорий қилиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш, қурилишда ишчиларни соддалашган тартибда олиш каби кўплаб таклифлар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадри фарзандларим!

Авалло, сиз, азизларни Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида муносиб иштирок этиб, қарийб 200 та давлат вакиллари орасида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, ўзбек шахмати тарихида яна бир ёрқин саҳифа очганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳаёт кескин ва мurosасиз мусобақаларда сизлар юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва матонат фазилатларини намоён этиб, Хитой, Сербия, Арманистон, Германия, Озарбайжон, Словения, Испания каби маънаман деган давлатларнинг жамоаларини ортада қолдирганингиз улкан таҳсин ва тасанноларга сазовордир.

Сизларнинг тимсолингида Янги Ўзбекистон ёшлари мана шундай ақл ва тафаккур бела-шуварларида қандай баланд марраларни эгаллашга қодир эканини кўриб, қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Ушбу мусобақада юксак интеллектуал салоҳиятнинг намоёни бўлган Нодирбек Абду-сатторов, Жаҳоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов, Нодирбек Ёқубов, Жаҳонгир Воҳидов каби ўғлонларимиз эришган натижалар биз учун жуда қадри-дир.

Айниқса, тахталар кесимида Шамсиддин Воҳидов олтин медални, Нодирбек Абдусатторов кумуш медални қўлга киритиб, нақадар катта маҳорат эгаси эканликларини яна бир бор исботлаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мард ва жасур ўғлонларимиз қаторида Афрўза Ҳамдамова, Нилуфар Ёқубоева, Умида Омонова, Маржона Маликова, Нодира Нодиржонова сингари азму шижоатли шахматчи қизларимиз ҳам мусобақаларда муносиб иштирок этиб, бор куч-гайрати ва маҳорати билан Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Улар ўтган олимпиадада кўрсатган натижаларини яхшилаб, 170 мамлакат ўртасида 12-ўринни эгаллаганлари албатта эътиборга молиқдир. Матонатли қизимиз Нодира Нодиржонова тахталар кесимида фахрли 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирлангани айниқса қувончлидир. Уларнинг барчасини самимий қутлаб, келгуси мусобақаларда совринли ўринларни забт этишларини тилайман.

Албатта, Ўзбекистон шахмат усталари қўлга киритган улкан ютуқ Янги Ўзбекистонда ёшларга қаратилган юксак эътибор, спорт ва унинг энг интеллектуал тури бўлган шахматни ривожлантириш бўйича

амалга оширилаётган улкан ислохотларимизнинг амалий натижаси, десак, тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бундай муваффақиятлар халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-миглаб ёшларимиз учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз фарзандларимга, эришган ютуқларингизга катта ҳисса қўшган тажрибали устоз ва мураббийларингиз, бутун жамоангиз аъзоларига, сизларни қўллаб-қувватлаб турган ота-оналарингиз ва барча мухлис-ларингизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларга жонажон Ўзбекистонимиз 2026 йилда илк бор мезбонлик қиладиган навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасида ҳам энг юксак чўққиларни забт этиш насиб этсин!

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва саодат, келгусидаги ўқиш ва ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман. Зафарли юршларингиз доимо бардавом бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТЯБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ
КУНИ



Мазкур мақола Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида

ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

3-бетга қаранг.

Бугуннинг гапи

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАЁТГАН ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Камбағаллик улкан ботқоққа ўхшайди. Давлат ва жамият эса бир гилдираги ботқоққа қолиб кетган машина кабиدير. Темир улвининг қолган гилдираклари харчанд зўр бериб айланмасин, ботқоқдагиси чиқариб олинмас экан, машина чўкиб бораверади.

Муаммони пул тарқатиш билан ҳал қилиб бўлмайди

Камбағалликни қисқарттириш бўйича тизимли чора-тадбирлар тўрт йил илгари бошланган эди. Уша пайтда 7,5 миллион киши ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмасди. Аммо ўтган йилларда уч ярим миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди. Бу натижага ўз-ўзидан эришилмади. Мазкур йўналишда турли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, ўтган даврда 260 минг гектар ер 800 минг фуқаро, аввало, ёшларга деҳқончилик қилиш учун даромад келтирувчи актив сифатида бўлиб берилди.

Давоми 4-бетда

Ҳўш, машинани ботқоқдан чиқариб олиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун, аввало, ундаги ҳамма қўлидан келганича ҳаракат қилиши зарур. Кимдир ботқоққа тушиб машинанинг ортидан суриши керак бўлса, кимдир гилдирак тагига тош ташлаши, яна биров улвини тортиши лозим. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихат ҳаракат қилмаса, машина йўловчилари билан бирга ботқоққа чўкиб кетади.

Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқарттириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишини кузата туриб, унда келтирилган факт ва рақамларни таҳлил этарканман, юқоридаги фикр хаёлимдан ўтди.



Давоми 2-бетда

Мурожаатдан — даромадга

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚЧИЛ МЕХАНИЗМИ

Бошланиши 1-бетда

Айни жихатлар инобатга олинган ҳолда Халқ қабулхоналари оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича “Мурожаатдан даромадга” лойиҳасини амалга оширишга киришди.

— Лойиҳа ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, оилаларга қўшимча даромад келтириш ва рўзгорини бутлашда қўлай шароит яратмоқда, — дейди Президентнинг Сароисиё туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Ойдин Жўрабекова. — Ҳўш, ушбу лойиҳанинг аҳамияти нимада? Бу лойиҳа беш босқични ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи қадамлар — мурожаатни қабул қилиш ва ўрганиш. Моддий ёрдам масаласида кўп арз қилган фуқаролар уйига борилиб, оилавий



аҳоли, чиндан муҳтож ёки муҳтож эмаслиги “маҳалла еттилиги”, ҳокимлик, сектор вакиллари билан ҳамкорликда чуқур ўрганилади. Фуқаронинг касб-хўнарга лаёқати, оилавий шароити, мавжуд имкониятларини аниқлаш мақсадида индивидуал суҳбатлашлари, қайси йўналишда ишни эплаб кетиши, даромад топа олиши бўйича бир тўхтама келинади. Учинчи ва тўтинчи қадамлар эса даромад топишга тайёралик ва мо равишда касб-хўнарга ўқитиш. Бу орқали, масалан, тикув машинаси ёки пишириқ печлари олиб беришга қарор қилинади ва улар келгусида малака ошириши ва тўхтаб қолмаслиги учун лидер тадбиркорларга бириктирилади. Энг сўнгги — бешинчи қадам эса мурожаатчини

даромадга олиб чиқиш, барқарор даромад топишини доимий мониторинг қилиб бориш ҳисобланади. Лойиҳанинг беш босқичда бўлиши эса мурожаатчидан сабр, чидам, метин ирода, тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида Сурхондарё вилоятининг 5 та ҳудуди — Денов, Олтинсой, Шўрчи, Сароисиё ва Узун туманларидаги 91 маҳаллада истиқомат қилувчи хотин-қизларга замонавий тикув машиналари берилиб, улар етакчи тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларга бириктирилмоқда.

— Туманимиз бўйича 100 та замонавий тикув машинаси мурожаатчиларга, шу жумладан, менга ҳам топширилди, — дейди Узун туманида яшовчи Саодат

Чўқморова. — Энди янги бир имкониятга эга бўлдим. Рўзгоримизни ҳалол меҳнат билан тебратиб, тинч-тўкин, фаровон яшаш ниятидамиз. Авваллари ижтимоий ҳимояга муҳтож сифатида мутасаддиларга кўп мурожаат қилишга ийманардим. Энди биз ҳам ўз бизнесимизни йўлга қўйиб, келажакда маҳалламиз ҳудудидаги мактаб битирувчилари ва ишсиз аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашишни ўйлабмиз.

Шўрчи туманида ижтимоий дафтарларда турган, бошқача айтганда, ҳўнари бор-у, аммо тикув машинаси олиб, фаолиятини бошлашга маблағи йўқ 105 аёлга замонавий тикув машинаси топширилди. Улар катта тажрибага эга лидер тадбиркорларга бириктирилиб, кооперация асосида ишлаш йўлга қўйилмоқда. Бу эса ишлаб чиқарилган маҳсулотга бозор топши, қолаверса, хомашё билан боғлиқ масалаларга ечим бўлаётди.

Сурхон воҳасининг беш туманидан, асосан, моддий ёрдам масаласида мурожаат қилган эҳтиёжманд, ишсиз беш юздан зиёд аёлга тикув машинаси олиб берилиб, ўз маҳалласидаги етакчи тадбиркорларга бириктирилиши 500 оиланинг даромади шаклланди, рўзгорига файё-барака кирди, дегани.

Масалан, Денов туманининг “Қайтмас” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нилуфар Мамадалиева оиласи билан ўтган йили миграциядан қайтиб, тикувчилик корхонаси очган эди. Ишониб-ишонмай иш бошлагани, ҳаракатда барака деганларидек, ишлари юришгач, яна беш тикувчи билан фаолиятини кенгайтирди.

“Нурли манзил” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, айни лойиҳа доирасида иш бошлаб даромад топаётган Нарғиза Тошбўтаева етакчилигидаги кооперация аъзолари эса йигирма нафардан ошди.

— Тадбиркор аёлларга ишни ташкил этиш ва бизнесини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг фаолиятини Халқ қабулхонаси, секторлар ва “маҳалла еттилиги” вакиллари доимий мониторинг қилиб боради. Аниқроқ айтганда, масалан, тикув машинаси ажратилган мурожаатчиларнинг аввал барқарор даромадга чиқиб, сўнг яқин уч-тўрт йил ичида ўз оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишгача бўлган жараёнда яқиндан ёрдам берилишини кузатиб турибман, — дейди тадбиркор Н.Тошбўтаева.

Ушбу лойиҳа халқ билан мулоқотнинг янги босқичи, аҳоли даромадларини ошириш билан тизимли масалаларга самарали ечим топишнинг яна бир халқчил механизмига айланмоқда. Бугунги куннинг муҳим масаласи бўлиши аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси томонидан яна 250 аёлга тикув машинаси, 15 ёшга мотокультиватор, касб-хўнара эгаллаган, аммо иш бошлашга маблағи бўлмаган хотин-қизларга аёллар саргарошлиги билан шугулланиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар субсидия асосида берилди. Бу ҳам улар учун жуда катта енгиллик бўляпти.

“Мурожаатдан — даромадга” лойиҳасининг дастлабки босқичида бандлиги таъминланмаган оғир шароитдаги хотин-қизларнинг кооперация асосида ишлаб, даромад топишга имконият яратиш билан, кейинчалик улар орасидан тадбиркорликка қобилияти борлари ўз оилавий корхонасини ташкил этишига ёрдам берилаётди.

Халқ билан мулоқотнинг янги тизими мазкур механизм асосида босқичма-босқич кенгайтириб борилади. Моддий ва маънавий рағбат, руҳий қўллаб-қувватлаш, имкониятлар яратиш, ишонч билдириш орқали хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш муҳим. Бу эса уларнинг бугундан рози, ҳаёти фаровон, кўнгли хотиржам бўлишига хизмат қилади.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири



УЛАРНИНГ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНМАГАН МАҚСАДИ, ШАШТУ ШИЖОАТИ ҲАМ БОШҚАЛАРНИКИДАН АСЛО КАМ ЭМАС

Бир ҳамширанинг эҳтиётсизлиги ортидан икки ёшида ногирон бўлиб қолган марҳаматлик Иқболжон Аҳмадзонов умумий ўрта таълимни Қибрайдаги мактаб-интернатда олди. Шундан сўнг Фарғонадаги махсус мактабда компьютер сабоқларини ўзлаштирди. Албатта, олий маълумот олиш истаги бўлган. Зеро, унга олий таълимдан имтиёзли ўрин, пойтахтдан иш ҳам таяин эди. Бироқ ота-онаси унинг оиладан йироқда бўлишини истамади. Марҳаматга қақириб олди. Иқболжон турмуш қуриб, фарзандли бўлди. Ногиронлиги боис, субсидия асосида берилган уйда оиласи билан яшаб келяпти.

Аёли Нодира Аҳмадзонова ҳам ўзи каби жисмоний имконияти чекланган. Шу пайтгача ҳар иккисининг тайинли иши бўлмагани учун уйнинг тўловиға қийналиб қоларди. Маҳаллага ижтимоий ходим келганидан сўнг оиланинг ҳаёти яхши томонга ўзгара бошлади. Дастлаб Иқболжон электрон аравачали бўлди, кейин дурустгина иш ўрнига ҳам жойлаштирилди.

— Давлатнинг ногиронлиги борларга астойдил эътибор қаратаётганини тўлақонли ҳис қиладиган кунлар келди, — дейди Иқболжон Аҳмадзонов. — Шу пайтгача бу тоифадаги одамлар ишга олинмас эди. Ишга ярайман, десам ҳам биринчи гуруҳ ногирони иш бермаймиз, дейишарди. Бандликка кўмаклашиш маркази, ҳокимликка кўп мурожаат қилдим. Тавсия қилинган ишларнинг маоши йўл ҳақи ва тушлугимдан ортмаслигини билиб, ҳафсалам пир бўларди. Шунинг учун доимий иш жойим бўлмаган. Маҳалламизга бириктирилган ижтимоий ходимнинг тавсияси билан давлат хизматлари марказидаги бўш иш ўрни учун ариза бердим. Кейин суҳбатга қақирдиш. Суҳбатдан ўтиб, ишга кирдим. Ногиронлик аравачамда бемалол бориб-келяпман. Барака топсин, ижтимоий

бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаштиришдан ташқари, спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилгани эса Иқболжон Аҳмадзонов қабилагга умид бағишлаяпти. Буни яқинда яқунланган паралимпия ўйинлари мисолида ҳам кўрдик. Парашахмат клубига аъзо Иқболжон бу йил туманда биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олган. Беллашувнинг республика босқичига чиқиш ниятида.

Ижтимоий ходимлар манзилли ишлаб турса, бундай параспортчилар ҳали кўплаб кашф этилади. Масалан, биргина Ирода Фозилованинг сазй-ҳаракати билан яқин кунларда маҳалладаги ижтимоий кўмакка муҳтож яна икки фуқаронинг ҳаётига мазмун кирса, ажаб эмас. Коллежни механикаторлик йўналишида тамомлаган 31 ёшли Нодирбек кўриш қобилияти сувайиб кетгани боис, ихтисослиги бўйича ишлаш олмади юрганди. Компьютер саводхонлигини ўрганиши учун ўқув марказига жойлаштирилди. Курсни тамомласа, шу йўналишда иш билан таъминланади.

Феруза эса кўчага чиқидан ҳам кўрқадди. У 90 ёшдан ошган бобоси билан яшайди.



ходим тез-тез хабар олади, алоқада бўлиб турарим. Яна нима керак, нима бўляпти, қандай имтиёзлар бор, баридан хабардор қилади. Фарзандимга ҳам мактаб формаси бўйича имтиёз бор экан, буни билмасдик, бепул кийим билан таъминланди. Аёлимга махсус пойабзалгача пул ажратилди. Ҳатто қандай кўринишда бўлиши ҳам унинг ўзидан сўралди. Хоҳлаганидек ясаб беришди. Бир инсонга эътибор бўлса, шунчалик бўлади-да.

— Ишга бемалол бориб келиши учун Иқболжон акага, биринчи навбатда, электрон аравача керак эди. Аввал шу масалани ҳал қилиб, кейин иш топишни режа қилдим. Аравачани олганимиздан сўнг бўш иш ўринларини ўргандим. Тумандаги давлат хизматлари марказида операторликка ишчи керак экан. Компьютерни билгани учун Иқболжон акага шу ишни тавсия қилдим. Мана, ҳозир ишлаяпти. Ҳаёти ўзгарганидан жуда хурсанд, — дейди Марҳамат туманидаги “Гулистон” МФЙга бириктирилган ижтимоий ходим Ирода Фозилова. — Оилани комплекс баҳолашга борганимда турмуш ўртоғи Нодира Аҳмадзонова ҳам иккинчи гуруҳ ногирони эканидан хабар топдим. Тикувчилик қўлидан келгани боис, унга ҳокимлик тарафидан замонавий тикув машинаси, ўзи яшаётган кўп қаватли уйнинг пасти қисмида бўш турган хоналардан бири берилди. 8 аёл иш бўлди. Нодира опа бошчилигида улар Асакдаги кўзи оқизлар мактаби учун чойшаб тилипти.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил февралда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида вилоят ва туман ҳокимлари ногиронлиги бўлган шахсларга қўлай шароит яратиш билан етарлича шугулланмаётгани қайд этилди. Айрим вазирлик, идоралар ва вилоят ҳокимликларида ногиронлиги бўлган бирорта одам ишга олинмагани танқид қилинди. Шу маънода, Иқболжон Аҳмадзонов қабилагаринг ҳаёти тубдан ўзгараётганида айни йиғилишдаги вазифалар ижроси муҳим омил бўляпти, дейиш мумкин.

Ногиронлиги бўлганлар учун Спортни ривожлантириш ассоциацияси ташкил этилиб, Паралимпия кўмитаси, тегилли спорт федерациялари, Ўзбекистон махсус олимпиадаси ассоциация таркибига кириши ҳам мақсадга мувофиқ бўлди. Ногиронлиги

Оловга яқинлаша ҳам тўтқаноқ хуруж қилиши мумкинлиги туфайли овқат тайёрлашга жазм қилолмайди. Шу боис, ҳамisha амакино аммалари назоратида. 30 ёшида ҳеч нарсага қизиқиши қолмаган бу қиз ҳам ижтимоий ходим эътиборидан четда қолмади. Унинг сунъий гул ясашга қизиқиши қўллаб-қувватланди.

Бир оёғи протез бўлгани туфайли муайян муддат мактабга чиқа олмаган чуствлик Гулсанам Абдумаликова тендошлари билан тахсил олишга муваффақ бўлгани ҳам бу борадаги сазй-ҳаракатлар натижаси. Тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ташаббуси билан унга янги протез тақдим этилганди.

Давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилишда протез воситалари 18 турдан 30 турга, ажратилаётган маблағ эса 1,5 баробар оширилиб, 100 миллиард сўмга эتكезилиши ҳамда улар билан таъминлаш электрон шаклда бўлиши айтилган эди. Ногиронлиги бўлган шахслар бундай воситаларни уйдан туриб, ваучер орқали онлайн ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёрдамида инсталган ишлаб чиқарувчидан олиши мумкинлигига енгиллик берди.

Бухоролик Камолитдин Хангриев эса янги тизим самарадорлиги ҳақида бундай дейди: “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази амалий ёрдами билан электрон аравачали бўлдим. Энди бемалол ҳаракатланаётганим учун иш жойимга бориб-келишим анча осонлашди. Шунингдек, маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси тавсияномасига кўра, субсидия асосида юк ташишга мўлжалланган мотороллер олдим. Бу тирикчилик ташвишини йўлга қўйиб, куллик мавзудан даромадга эга бўляпмиз. Албатта, рўзгорга ҳам барака кирди. Бу биз каби эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлганларнинг эътибордан четда қолмаганига яққол мисол эмасми?!”

Ҳа, бундай инсонларни ҳар қанча қўласак, арзийди. Зеро, улар жамиятга моддий манфаат келтириш баробарида айрим боқимандаларга ибрат бўлиши билан ҳам аҳамиятли.

Муножат Мўминова, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Қарор ва ижро ЕР-КУ БЕРИЛЯПТИ, НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини шакллантиришга бугунги куннинг энг долзарб масалалари сифатида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қи қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарор асосида юртимизнинг барча ҳудудида меҳнатидан барака топаётган ёш деҳқонлар кўпаймоқда. Энг асосийси, уларга суви сероб, тупроғи унумдор ва экинбоп ерлар тақдим этиляпти.

Тошкент вилоятининг 15 та туманида жорий йилнинг ўзида 10 минг 847 ёшнинг ҳар бирига 30 сотихдан 50 сотихгача ер ажратиб берилган. Ер-ку

ажратиб бериляпти, аммо ундан қутилан натижа қандай бўляпти? Даромад-чи?

— Маҳаллалардаги ёшлар тақлифларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида вилоятимиз миқёсида кенг қўламли ишлар давом этапти, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирзиё Мирсолтонов. — Вилоят миқёсида ёшларнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида бандлигини таъминлаш чоралари тезкорлик билан қўрилмоқда. Шу йил бошидан буён уларга серунум, сувли жойлардан 5 минг гектарга яқин ер ажратиб



берилди. Ёш деҳқонлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида сабзавот, дуккакли экинлар ва полиз маҳсулотлари етиштирмоқда. Шу кунларда барча ҳудудларимиздаги қўллаб-қувватлаш бўлимида ҳосил йиғиши ишлари қизғин давом этмоқда.

Оҳангарон туманидаги Қизилёй маҳалласи ёшлар етакчиси Дийрбек Раҳматуллаев маҳаллада 856 йигит-қизнинг ҳаёт тарзи ўрганилиб, фаолияти таҳлил қилинган, ёрдамга муҳтож деб топилган 15 ўғил-қизнинг барчасига амалий кўмак берилган. Ўтган йил ҳам 42 ёшга сабзавотчилик ва чорвачилик учун ер ажратилгани ҳамда 29 нафар “Ёшлар дафтари”га киририлиб, муаммолари ҳал этилганини сўзлаб берди.

— Менга ҳам 30 сотих ер берилди. Мавсум бошида ер ёнғоқ экдик. Ҳосилдан 20 миллион сўм соф даромад олишни режалаштирганман. Бу менинг биринчи мустақил деҳқончилик ишим. Келгуси йил учун яна ҳам пухта режалар тузганман. Бунинг учун сармоа етарли,

— дейди Қизилёй маҳалласида яшовчи Абдувоҳид Абдухалилов.

— Шу йил эрта баҳорда “E-auction” электрон савдо платформаси орқали унумдор далавлардан мен ва укам Хўсанга ҳам ер ажратиб берилди, — дейди бўкалик Ҳасан Қуролбоев. — Ер ёнғоқ экдик. Ерга уруғ қадаганимиздан бошлаб то бугунги кунгача соҳа мутахассислари маҳсулот етиштириш ва парвариллаш унутмдор тушунчалар бериб турди. Укам билан 40 миллион сўм атрофида даромад олишни мўлжаллаётимиз.

Тошкент вилояти ёшлари нафақат деҳқончилик, балки бошқа йўналишларда ҳам белни маҳкам боғлаб оилавий даромадга ҳисса қўшишга астойдил интиломоқда. Уларнинг айримлари хонадонда мебелчилик, чорвачилик билан шугулланаётган бўлса, баъзилари тадбиркорлик орқасидан тенгдошларини ҳам иш билан таъминламоқда.

Гуличехра Дурдиева, “Янги Ўзбекистон” мухбири





ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юртимиз ҳаётида шу йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайлов жараёнида “Ваъда эмас — натижа, эртага эмас — бугун!” шиори остида янги ғоялар ва янги ҳаёт қарашлар билан иштирок этмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қисқа фурсатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга кўмаклашиш, очиклик сиёсати юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф этган ҳолда, О'zLiDeP бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириши учун Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли деб ҳисоблайди.

Мана шу улғувор йўлда ўз масъулиятини бариштираётган О'zLiDeP “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий кучдир.

Барчамизга маълумки, халқимиз иродини билан 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таърихдаги Конституцияси янги Ўзбекистонни барпо этишнинг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратиб берди.



Шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли фаровон ҳаёт кечирishi, фарзандларимиз сифатли таълим ва тиббиётдан баҳраманд бўлиши, аёллар ва нурунийлар бахтли яшаши, эл дастурхони тўқинлиги таъминланиши учун О'zLiDeP кейинги беш йилга мўлжалланган янги Сайловолди дастури орқали 5 ТА АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН 500 ТА ВАЗИФАНИ белгилаб олди.

О'zLiDeP ўз фаолиятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш, жамиятнинг барча жаҳасида барқарор ривожланиши таъминлаш, инсонларнинг қадр-қиммати, эркинлиги ва фаровонлиги учун курашувчи сиёсий куч сифатида намоён бўлмоқда.

Партия Сайловолди дастурини ишлаб чиқиши кеча ёки бугун бошлагани йўқ. Бу жараёнга бир неча йил олдин киришилган. Ўтган даврда О'zLiDePдан маҳаллий вакиллик органлари сайланган депутатлар сайловчилар билан минглаб учрашувлар ўтказди. Уларда аҳолини қийнаб келаятган тизимли муаммолар бирлаштирилиб, янги Сайловолди дастурига киритилди.

Шунингдек, Сайловолди дастури мазмун-моҳиятига бағишланган жамоатчилик муҳокамалари ҳам устувор вазибалар белгилаб олинди. 15 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотлари бўлиб ўтган муҳокама-ларда ҳам аҳолининг оғирини енгил қилишга оид қатор таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Партия Сайловолди дастурини шакллантиришда фермерлар, тадбиркорлар, таълим ва соғлиқни сақлаш ходимлари ҳам фаол иштирок этди.

Сайлов демократик ислохотларнинг муҳим кўрсаткичи экани ҳеч кимга сир эмас. Сайлов тизимизининг дунёдаги илгор таърихлари асосида таъминлаш бўлаётгани ҳам кенг миқёсда ижобий баҳоланмоқда. Сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётидаги аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чунки унда ҳар бир фуқаро ўз тақдир, орзу-истакларини рўёбга чиқиши учун овоз беради. Ушбу сайлов “Менинг танловим — обод Ватаним” шиори остида шарт олинганда ҳам улкан маъно-мазмун муҳасамма.

Бугунги янги ҳаёт асосида ўтадиган сайловларда муваффақиятга эришиш учун О'zLiDeP кўп йўналишли ва стратегик ёндашувлардан фойдаланади. Бу тизим бизни ҳам маҳаллий, ҳам миллий даражада фаол бўлишга ундайди ҳамда рақобатбардошлигимизни яна бир бор синовдан ўтказиши.

1. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТНИ ОШИРИШ, МАМЛАКАТНИ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ОШИРИШ, МАМЛАКАТНИ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ОШИРИШ

Бугунги О'zLiDeP сиёсий ҳаётда энг кўп сонли аъзоси ва тарафдорлари эга, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи роль ўйнайдиган халқчил партияга айлана олди.

Бугунги О'zLiDeP мураккаб вазифаларни ўз зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга қодир сиёсий куч сифатида амалда ўзини кўрсатади.

Бугунги О'zLiDeP янгиланган Конституцияда қўлай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари яратилганидан оқилона фойдаланган ҳолда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг самарали ечимларини таклиф қилади.

Бугунги О'zLiDeP янги ички маҳсулот ҳажми 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 4 минг долларга етказилиши учун астойдил курашади.

Бугунги О'zLiDeP Ўзбекистонни тадбиркорлар мамлакатига айлантириш, юртимиздаги ишбилармонлар сонини 3 миллиондан ошириш учун барча зарур чораларни кўради.

О'zLiDeP келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш бўйича барча зарур чораларни кўриши, давлат улуши мавжуд корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш, шунингдек, давлат харидларида шаффофликни ошириш ва унда кичик бизнес иштирокчини янада кенгайтириш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунни изчил такомиллаштириш бўйича ўз ташаббус ва таклифларини бермоқда. Бу ташаббусларнинг татбиқи этилиши миллий иқтисодиётда давлатнинг таъсирини камайтириб, бозор муносабатларига асосланган соф рақобат муҳитини яратишга имкон беради.

О'zLiDePнинг янги Сайловолди дастурида солиқ маъмуричилиги тизимини соддалаштириш, солиқ тўлашда адолатли шароит яратиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш ҳам назарда тутилган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сув ҳўжалиги, экология, энергетика ва бошқа соҳаларда кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонни инвестициялар учун янада қўлай маконга айлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар такомиллаштирилади. Тадбиркорларнинг ташқи бозорларга чиқиши имкониятларини кенгайтириш, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишни жаддалаштириш борасидаги сайё-ҳаракатлар қўллаб-қувватланади.

Дастурда юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи, самарали молиявий хизматлар, хусусан, капитал ва критиктивлар бозорининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш ҳам вазифа этиб белгиланган. Иқтисодиётнинг драйверларидан бири бўлган сайёҳлик индустриясини кенгайтириш, “Агротуризм — 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш, Оролбўйида экотуризмни ривожлантириш масалалари ҳам партиянинг диққат марказидадир.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий бозор активига айлантириш, ижара ҳуқуқини бўлиб сотиш, ундан гаров предмети сифатида фойдаланишнинг қонуний базасини такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан ишонимли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий шароитларни яратишга оид истиқболли таклиф илгари сурилади.

Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни кучайтириш учун ҳар йили камида 500 минг барқарор иш жойи, бир миллион оила аъзосига даромадди меҳнат учун шароит яратиш, мономарказлар ва нодавлат таълим муассасалари орқали касб-ҳунарга ўқитиш кўламини беш баробарга ошириш, бир миллион фуқарони меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш назарда тутилмоқда. Натижада ишсизликнинг мумкин бўлган энг паст даражага тушириш имкони тузилади.

Ижтимоий тадбиркорлик соҳасидаги фаолият учун молиявий пакетлар, жумладан, мол-мулк ва ер соғлиқдан имтиёзлар жорий этиш, оғир вазиятга тушиб қолганлар учун қолдоқланган тарзда кредит таътиллари бериш борасидаги таклифлар ҳам электроратга маъқул келиши табиий.

Яна бир муҳим ғоя санаотда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўрни яратиш бўйича барча зарур чоралар қўрилиши билан боғлиқ.

Кичик санаот зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тадбиркорларимизга ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат беришнинг қонуний асосларини яратиш, салохиятни тадбиркорларга кичик ва ёшлар санаот зоналаридан 10 йилгача бўлиб

тўлаш имтиёзи билан ер ажратилишига эришиш ҳам О'zLiDePнинг устувор вазибалари сирасига қиради.

II. СИФАТЛИ ТАЪЛИМ, ТИББИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Янгиланган Конституцияда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” деб эълон қилиниши билан унинг ижтимоий мажбуриятлари уч баробар кўпайди.

Шуни инобатга олган ҳолда кейинги беш йилда фарзандларимизни мактабгача таълимга қамров даражасини 100 фоизга етказиш, педагог ходимларнинг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўриш, нодавлат мактабларни кўпайтириш учун қўшимча рағбатларни жорий этиш вазибалари дастуридан ўрин олган.

Профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш,



2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш кўламини 50 фоизга етказиш назарда тутилган. Илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг ЯИМдаги улушини 2030 йилга бориб 10 баробаргача ошириш таклиф этилади.

Тиббиёт соҳасида 2030 йилга қадар ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажмини 2 қарра ошириш, тиббий сугурта тизимини тўлақонли жорий этиш, нодавлат тиббиёт муассасаларининг рухсат бериш ва лицензиялаш тартибининг соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастуридан ҳам фуқароларни мақбул уй-жой билан таъминлаш, хусусан, зарур маблағларни йўналтирган ҳолда ва хусусий секторни кенг жалб этиб, бир миллион хонадонли уй-жойлар қурилиши ўрин олган. Амалгаётган ўзини оқлаган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” лойиҳаларини янги ҳаёт мазмун билан давом эттириш тарафдоримиз.

Ижтимоий ҳўмининг манзиллиги ва натижадорлигига эътибор қаратамиз. Ногиронликни белгилаш жараёнини янада соддалаштириш таклиф этилади. Даромади нисбатан кам бўлган аҳоли тоифаларини манзилли қўллаб-қувватлаш, хусусан, маош олувчи фуқароларни меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 баробаргача даромад солиғидан озод этиш ташаббусини илгари сураимиз.

Электр истеъмоли бўйича ижтимоий нормалар мавсумийлик, хонадон ҳисоби ва ижтимоий ҳўмин реестрига киритилган мезонлари асосида ўрнатилиши таклиф этилади.

Биз ёшлар учун мақбул иш ўринлари яратиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ўз бизнесини ижарга олинган бинодо бошлаётган ёшларимизга бир йиллик ижара ҳаражатининг ярмини қоплаб бериш, улар учун уй-жойлар қуриш ва имтиёзли ипотека тизимини кенгайтириш тарафдоримиз. “Мустақил ривожланиш” марказлари ташкил қилиниши таклифи ҳам партиянинг ёшларга оид сиёсатининг амалий ифодасидир.

Дастуридан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустақкамлаш, тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишсиз қолган ёш болаларни ишсизликдан суғурталаш тизимини жорий қилиш масалалари ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, кескалар соғлиқни тиклаш ва мазмунли дам олиши билан боғлиқ масалалар доимий эътиборимизда бўлади.

III. АҲОЛИ ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ


Сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фой-

даланиш, санитария ҳолати сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бироқ, эришилган натижаларга қарамай, қатор муаммолардан ҳам кўз юммаслигимиз керак.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ҳолатлари учраётгани, шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баробар ошгани, ҳудудларда яшил майдонлар қисқаргани бу соҳада қиладиган ишларини ҳали кўпلىгидан далолат беради. Бинобарин, сув кодекси лойиҳаси ишлаб чиқишини жаддалаштирамиз. Барча экин майдонидан сув тежовчи технологияларни қилган фермерлар харажати-нинг эллик фоизини қоплаб беришни таклиф этилади.

Партия сув таркибига нисбатан ягона стандарт жорий қилиш мақсадида “Тоза сув” лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси билан чиқмоқда. Бундан ташқари,



фуқаролар хонадонига сув филтрларини ўрнатиш учун имтиёзли асосда истеъмоладан кенг ажратишни таклиф этимоқда.

Дастуридан “яшил” энергетикани кўпайтиришга устувор аҳамият берилган. Республикада муқобил энергияни 2,5 баробар ошириб, умумий энергиядаги улушини 40 фоизга етказиш борасида катта марра олинган.

Санаотда “яшил сертификат”лар бозорини яратиш, қурилишда энергия самардорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигида агровольтаикалар амалиётини кенг жорий қилиш таклиф этилади.

Барча ҳудудда ҳавони яхшилаш бўйича “Мусаффо ҳаво — 2030” миллий дастурини қабул қилиш, яшил майдонларни кўпайтириш, экологик тоза транспортлар учун зарур инфратузилмани ривожлантириш ташаббусини олиб чиқамиз. Партиямиз атроф-муҳит зарарланишига қарши курашда жамоатчилик назоратига таянишни мақсадга мувофиқ деб билади.

IV. ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ АДОЛАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТАМИЗ

Янги таърихдаги Конституцияда ҳуқуқий давлат принципи мустақкамланди ва шу асосда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди. Бу ишларнинг мантаний давоми сифатида халқ хизматидаги давлатни барпо этиш вазифасини янги Ўзбекистон тараққийнинг асосий тамойилларидан бири сифатида кўрамиз.

Давлат органлари халққа хизмат қилишнинг самарали воситаси бўлиши шарт. Жамиятимизда “Қонуни ва адалат устувор”, “Жинойатга жазо муқаррар” принципларини янада мустақкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат халқ манфаати йўлида хизмат қиладиган идораларга айланиши учун куч ва имкониятларини мизни сафарбар этилади.

Давлат хизматларининг камида 300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга ўтказиш ва фуқароларнинг шахсий иштирокини 2 баробар қисқартириш таклиф этилади. Бюджет ташкилотларининг маблағ сарфи бўйича маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобдорлиги оширилади.

Маҳалларни “бир қадам” тамойили асосида фуқароларнинг муносабатлари ҳал этиладиган масканга айлантиришга муҳим масала сифатида қараймиз.

Маҳалларнинг обод қилиш, аҳоли турмушини янада яхшилаш мақсадида “Ташаббусли бюджет”га бериладиган маблағлар 3 қарра оширилишини кун тартибига чиқарамиз.

Халқлик давлатнинг асоси сифатида қонун устуворлиги, одил судлов ва адалатни таъминлаш эътиборимиз мақсади бўлади.

Хусусан, “суд прецеденти ҳуқуқи”ни амалиётга тағбиқ этиш, жабрланувчининг илтимосига асосан жиноят иши қўзғатмасдан ярашиш имкониятини бериш ташаббусини илгари сураимиз.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлаш, мулки ва маблағларини фирибгарлар ва кибержинойатчилардан ҳимоя қилиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқамиз. Адвокатларнинг қонуний ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолият такомиллаштирилади.


О'zLiDeP конституциявий ислохотларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобоварларидида амалиётини тўхтатиб туриш фақат суд тартибидида қўлланиши қонун даражасида белгилаш тарафдоридир.

Партиямиз сўз эркинлигини таъминлаш ва мустақил нодавлат матбуот тизимини ривожлантириш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. О'zLiDeP келгуси беш йилда ҳам очиклик сиёсатини жаддал давом эттириш ва халқ билан мулоқотни янада кенгайтиришни мақсад қилган. Партия нуқтани назарида, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини ишончли кафолатлайди.

Коррупцияга қарши муросасиз курашни изчил давом эттириш, бу борада 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегияни қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Зеро, коррупциявий омилларни бартафат этиш жараёнининг самардорлигини ошириш, бундай офатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш О'zLiDePнинг асосий мақсадларидан саналади.

V. МАМЛАКАТИМИЗ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осие давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга доир сайёҳаракатлари натижасида минтақада сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустақкамланди, ўзаро манфаатли муносабатлар кўламини ҳамма ошди.



Шу маънода, биз очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат давом эттирилишига хайрихўмиз. Бу борада партия янги Ўзбекистон ташқи сиёсати фақат халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юритилиши зарур деган қатъий позицияда.

Ўз навбатида, Марказий Осиеда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика ва транспорт, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишни партиямиз диққат марказида бўлади. Хусусан, қўшни Афғонистон зами-нида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ишлар узлуқсиз давом эттирилиши тарафдоримиз.

Партия учун мамлакат ташқи сиёсатини юритишда иқтисодий дипломатияни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада инвестиция ва инновацияларни кенг жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва Ўзбекистон имижини фаол тарғиб этиш барча дипломатик ваколатхоналаримизнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайми.

Биз ватандошлар билан ҳамкорликни мустақкамлаймиз ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаймиз. Бу борада хориждаги ватандошларимиз орасида она тили, миллий

маданият ва анъаналарни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Ташқи меҳнат миграцияси тизимини ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган фуқароларимизни касбга ва чет тилларга ўқитиш кўламини кенгайтириш, хорижда ишлаб юрган юртдошларимизнинг, аввало, Ўзбекистонда ишлаб, муносиб иш ҳақи олиши учун имконият яратиш партия-миз учун муҳим аҳамиятга эга.

Мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамларни қўллаб-қувватлаш янада ошириш масалалари ҳам О'zLiDeP сайловолди дастуридан ўрин олганини айтиб ўтиш жоиз. Меҳнат мигрантлари ва оила аъзоларига доимий гамаҳўрлик қилиш ҳамда ижтимоий сугурта тизимини такомиллаштириш партия-нинг устувор вазифаси бўлиб қолади.


Куролли Кучларимизнинг қудрати, му-дофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш мақсадида миллий армия-мизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлашни қўллаб-қувватлайми.

Янги Ўзбекистон инсон қадри улғу-ландиган, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкония-т яратилган мамлакат бўлмоғи керак! Халқимиз эртага эмас, узок келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида буни кўриш-ни истайди.

Шу олий мақсад йўлида О'zLiDeP халқимиз билан бирга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини сўз-сиз амалга ошириш, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт, инсон қадри эъзозлана-диган янги давлат, янги жамият барпо этишга қаратилган энг ушларни қатъий давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Қонунчилик палатаси, халқ депутат-лари бўлиб, туман ва шаҳар кенгашла-рига вилёт ўтадиган сайловларда муваф-фақиятли иштирок этиш ва қўзланган натижаларга эришиш учун юртимиз сиёсат саҳнасида жуда кенг имконият-лар, О'zLiDeP ғояларидида эса етарли куч, таъриб ва салоҳият бор.

О'zLiDeP ислохотларининг янги босқи-чида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараён-ларга ўз таъсирини сақлаб қолши мақ-садида барча имкониятларини, хусусан,



салкам чорак асрлик таърибасини белги-ланган мақсад ва режаларни рўёбга чиқ-ариш учун тўлиқ ишга солади.

Партиямиз келгуси беш йилликда халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi, фарзандларимизнинг ҳар томонлама бар-камол бўлиши, юртдошларимизнинг яна-да бахтли яшаши учун белгиланган аниқ вазибалар рўёби учун курашади.

Бўлажак сайловда 1 миллион 600 мингдан зиёд аъзоси, асосий ғоя ва мақ-садларига хайрихў бўлган яна қўллаб юртдошларимизга таянадиган О'zLiDeP муваффақият қозонишига ишонади.

Биз учун энг муҳими: ваъда эмас — на-тижа, эртага эмас — бугун!

Ишончимиз комилки, партия тараф-дорлари ва электорат вакиллари 27 октябрь куни О'zLiDeP ва унинг ном-



Бугуннинг гапи

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАЁТГАН ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Санжар ТУРДИҚУЛОВ, журналист

Бошланиш 1-бета

Узоқ йиллардан буён қишлоқ хўжалигида суяги қотган кўпчилик юртдошларимиз ердан қандай даромад олишни яхши билади. Шу билан бирга, ҳаётий тажрибасини ёшларга ўргатади. Ҳақимизнинг бир қарашда жуда оддий кўринган бу тутуми аслида, катта бойлик манбаи экани бугунга келиб яққол сезилляпти. Нафақат сезилляпти, балки юз минглаб ёшларни яхши ва муқим даромад манбаи билан таъминлашнинг асосий омилига айланяпти.

Пойтахтимизда ўтган ойда камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган халқаро конференцияга келган 60 дан ортқ мамлакат экспертлари Ўзбекистон қисқа муддатда камбағалликни қисқартириш бўйича орттирган тажриба ва у асосида эришилган натижаларни юқори баҳолади. Аҳамиятли томони, аҳолига ер бўлиб бериш ҳаракати ушбу тажрибанинг муқим йўналишларидан биридир.

Бу борадаги ишларда айрим камчиликлар йўқ эмас. Ҳамма жойда ҳам камбағалликни қисқартириш борасидаги саъй-ҳаракатлар қуттилган натижа бераётгани йўқ. Масалан, йилгилида қайд этилганидек, ўтган ойда Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ўзгартирилмаган. 15 та туманда камбағаллик 20 фоиздан юқори. 16 та туманда аҳолига бўлиб берилган ердан 2-3 мартадан ҳосил олингани ҳисобига камбағаллик икки қарра қамайган. Лекин 14 та туманда ўзгартирилмаган.

Албатта, ҳудудлардаги ернинг ҳолатини ҳам инобатга олиш керак. Қарорлар сув мўл, ер унмдор бўлса, қайси ер ҳудудда бўлиқ ер ва сув муаммо бўлиб турибди. Айниқса, айрим ёшларда қайси ердан қандай қилиб унумли фойдаланиш мумкинлиги борасида билим ва тажриба етишмаётгани сезилляпти. Уларга омилкор деҳқонлар ўз тажрибасини ўргатиши, масъуллар ернинг унмдорлигини ошириш, уруғлик, сув, ўғит каби масалаларни тизимли ҳал этиши керак. Ишни худди шу тартибда ташкил этган Пахтаобод, Балиқчи, Гурлан, Ҳоққа, Олтиариқ, Зомин, Бўка, Тахиташо каби туманларда камбағалликни икки баробар қамайтиришга эришилган.

Камбағалликка қарши курашишнинг энг самарали усулидан бири аҳолининг ушбу тоифа вакиллари бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдир. Бу борадаги ишлар ўз натижасини бериб, 2020 йилдан буён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар 2 баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар эса 3 баробар ошган. Шунга мос равишда камбағаллик даражаси йилга ўртача 3 фоиз қамайиб бораётгани.

Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Чунки айни пайтда ҳам 3-5 миллион сўмгача ойлик бераман деган корхоналарда 250 мингта бўш иш ўрни бор. Лекин камбағал оиладаги аёлларнинг 43 фоизи бола парварли билан банд. Яна айримлари сурункали касалликлар туфайли тайинли иш қила олмайдди. Энг ачинарлиси, камбағал оила-



ларнинг ишга лаёқатли 35 фоиз аъзоларида маъзур бўш иш ўринларида ишлаш учун билим ва кўникма етишмайдди. Ҳа, Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Чунки кимгадир балиқ тутиб берсанг, бир марта, агар балиқ овлашни ўргатсанг, мудом тўқ бўлгани каби моддий ёрдам ва нафақа камбағал оилани бу ботқоқдан олиб чиқиш учун етарли бўлмайди. Бунинг учун уларни ўқитиш, бозорда талаб юқори касб-ҳунарга ўргатиш ва шундан сўнггина иш билан таъминлаш талаб этилади.



Тешик қайиқда сафарга чиқиб бўлмайди

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фозиал кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Ушбу маблағ камбағал аҳолининг яхшигина даромад эгаси бўлиши учун пойдевор вазифасини бажарди. Ажратилган субсидия ва имтиёзли кредитларни кўпчилик томорқасини обод қилиб, даромад олишга сарфлади. Камбағал оилаларнинг 83 фоизиди катта томорқа мавжуд. Қолганлари уйда турли йўналишдаги, хусусан, қолипчи нон ишлаб чиқариш, тикувчилик, тўқувчилик,

қандолатчилик цехлари очди. Аммо айрим маҳаллалардаги сув, электр, газ, йўл билан боғлиқ муаммолар тадбиркорлик лойиҳаларидан тўлақонли даромад олишга ҳалал беради.

Ўрганишлар натижасида одамларнинг иши юришиб кетиши маҳаллалардаги шароитга ҳам боғлиқ экани кундек равшан бўлди. Аввало, маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиб, сўнг камбағаллик билан курашиш зарур. Зеро, тешик қайиқда сафарга чиқиб бўлмайди.

Ингилишда аҳолини камбағалликдан чиқаришда ўтган йилларда кўзга ташланган муаммо, тўсиқ ва ютуқлар бирма-бир таҳлил қилинди. Уларнинг ечими бора-бора керакли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбари кейинги йиллар учун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланаётганини маълум қилди. Унда етти та имконият ва масъулият тамойили асосида Ўзбекистоннинг навбатдаги янги ёндашувлари белгилаб берилиши қайд этилди.

Шунингдек, муаммоларимизнинг оқилона ечими кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ўтган йилларда 260 минг гектар ер 800 минг кишига деҳқончилик учун ажратилган бўлса, энди яна 50 минг гектар 100 минг камбағал оилага бўлиб берилиши айтилди. Аммо ушбу ердан ўтган сафаргидек фойдаланилмайди. Янгича тизим бўйича иш кўрилади: “компания — кооператив — деҳқон хўжалиги” тамойили асосида деҳқончилик ва боддорчилик ташкил этилади. Бу жараёнда Хитой тажрибаси асосида ердан уч хил даромад оладиган тизим йўлга қўйилади:

Биринчиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи ва экспорт қилувчи катта компания камбағал оилалардан ерни иккиламчи ижарага олади.

Иккинчиси, ер эгалари улушдор сифатида кооперацияга бирилашиб, компаниялардан буюртма олади ва топилган даромад ўртада тақсимланади.

Учинчиси, ҳар икки ҳолатда ҳам аҳолининг ушбу тоифа вакиллари ажратилган ерда ўзи маҳсулот етиштириб, бунинг учун ойлик олади.

Камбағал оила ўзига берилган ердан янада самарали фойдаланиб, ойлик олиш билан бирга, ижара ёки дивиденддан даромад бўлади. Компания эса бир контурда бир маҳсулот етиштириб, сифат ва таннархдан ютади. Қисқаси, ҳар жиҳатдан камбағал аҳоли фойда кўриши мўлжалланмоқда.

Ҳар бир оилада олий маълумотли хотин-қиз бўлади

Камбағал оила вакиллари билан ва кўникмасини ошириш, касб-ҳунар ўргатишга ҳам катта эътибор қаратилади. Президентимиз ҳар бир камбағал оилада, айниқса, хотин-қизлар орасидан камиди 1 нафар олий маълумотли чикиши учун шароит яратилиши зарурлигини айтди.

Бунинг учун камбағал оила вакиллари бўлган ОТМ, коллеж ва техникум талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи камиди 80 фоиз бўлса, уларга кейинги ўқув йили учун фозиёсиз таълим кредити берилиши ҳамда таълим муассасаларидаги киришда

грант учун етарли баллнинг 80 фоизини тўплаган камбағал оила фарзандларига кўшимча грант ажратилиши қайд этилди.

Бу жуда оқилона қарор бўлди. Сабаби, бир вакили яхши маош олса ҳам бутун оила камбағалликдан чиқиб кетиши мумкин. Энг муҳими, бундай талаба йигит-қизлар ютуғи ука-сингиллари учун умид чирोगи вазифасини бажаради. Яъни ўша бир олий маълумотли вакил орқали камбағал оилага янгича муҳит кириб келади. У ака-опалари, ука-сингиллари, барча оила аъзоларига ҳар бир ишга илм, ақл билан ёндашишни ўргатади. Шу орқали бир оиланинг турмуш тарзи, дунёқароши, тафаккури, шунга мос равишда моддий ва маънавий аҳволи яхшиланади боради. Нафақат бугунги, балки келажги учун ҳам моддий ва маънавий асослар яратиб борилади. Асосийси, бу каби ўзгаришлар ингилиб, жамиятимизнинг янги қиёфасини шакллантиради.

Бундай оила вакиллари фақат ёшлардан иборат эмас. Билим ва кўникмаси етарли бўлмаса-да, оила боқувчиси бўлган инсонлар ҳам бор. Улар учун Савдо-саноат палатаси ҳузурда тадбиркорларга ишчи топиб, тайёрлаб берадиган марказ ташкил қилинади. Марказда корхона талабига мос кўникмалар ўргатилиб, ундан сўнг бундай тоифа ишга жойлаштирилади.

Камбағал аҳоли вакиллари иш билан таъминланган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан турли имтиёзлар тақдим этилиши ҳам кўзга тутилмоқда. Шунда икки томон ҳам янги амалиётдан манфаатдор бўлади. Қисқаси, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайди. Меҳнат билан машғул инсоннинг ҳаётдан умиди, ризқи кесилмайди. Янги марралар сари илдам қадам ташлайди. Шу боис, аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг энг мақбул усули уларнинг бандлигини таъминлашдир.

Бир ўқ билан икки куён нишонга олинади

Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар қуттилган натижа бериши, аввало, маҳалладаги шарт-шароит, инфратузилмага ҳам боғлиқ. Зеро, ўтган тўрт йиллик амалиётда бу ўз исботини топган ҳақиқатлардан. Айниқса, энди бизнес бошлаётган юртдошларимизда яққол сезилади. Бизнес лойиҳа қанчалик пухта бўлмасин, ташкилий ишлар ва инфратузилмада муаммо бўлса, янги бошланган тадбиркорлик фаолиятининг яшаб кетиши қийин кечади. Тадбиркорлик лойиҳалари келажакнинг сўроқ остида қолдирамаслик учун маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга барча манбалардан 1,6 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағнинг 1,2 триллион сўми, аввало, энг оғир 300 та маҳаллада сув насоси ва куёш панели ўрнатиш учун берилади. Яна 2 триллион сўм ҳисобидан энг оғир 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилади. Албатта, бу ислоҳотлар камбағалликни қисқартиришда муҳим.

Аслида, камбағал аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга шароит ярати бериш бир ўқ билан икки куёни нишонга олишдек гап. Сабаби, ўз бизнесини тўлиқ йўлга қўйган аҳоли камбағалликдан чиқиш билан бирга, бошқаларни ҳам бу ботқоқдан олиб чиқишда яқин кўмакчига айланади. Шу боис, 2024-2025 йилларда одамлар ўзини ўзи банд қилиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиши учун микрокредит ажратишга 10 триллион сўм йўналтирилади. Шунингдек, камбағал оилаларга 30 миллион сўмгача ускуна, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситалар 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан берилади.

Видеоселектор ингилишида аҳолини қандай қилиб камбағаллик ботқоқидан чиқариш йўллари батафсил таҳлил этилиб, зарур вазифалар белгилади. Ушбу режа ва кўрсатмалар ўз вақтида, тўлақонли амалиётга жорий этилса, ижтимоий дафтарларга киририлган аҳоли вакиллари камбағалликдан чиқиши турган гап.

Ингилишида қайд этилгани каби бундан буён камбағалликни қисқартириш умумимиллий ҳаракатга айланишига юқориди натижага эришишимиз мумкин. Давлат ва жамият машинасини камбағаллик ботқоқидан чиқариб олсақ, ҳар бир соҳада кўзланган мақсадларга эришишимиз шубҳасиз.

Долзарб мавзу

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ЯНА БИР ОМИЛИ



Дарья ИЛЬИНА, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Мамлакатимизда ҳар йили 22 миллион тоннадан ортқ мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари, узум етиштирилади. Лекин уларни қайта ишлаш даражасини қорниқари, деб бўлмайди. Айрим турдаги маҳсулотларни қайта ишлаш ишлаб чиқариш 13-14 фоиздан ошмайди. Экспертлар фикрича, йўқотиш ҳажми 20-30 фоизни ташкил этади.

Юртимизда 5,4 миллионга деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжалик мева-сабзавот етиштириш билан шуғулланади. Яъни 57,3 фоиз мева-сабзавотни улар тайёрлаб беради. Шунингдек, сўнгги беш йилда мева-сабзавот етиштириш саноатидаги йиллик ўсиш ўртача 3,7 фоизни ташкил этаётганини инобатга олсақ, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш масаласи йилдан йилга долзарб аҳамият касб этиб борапти.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда умумий қуввати 1 миллион 300 минг тонналик 1907 та совитиш омбори мавжуд. Битта совитиш омборининг ўртача ҳажми 526,1 тоннани ташкил этади. Вилотлар бўйича битта совитиш омборининг энг катта ўртача ҳажми Тошкент (841,8 тонна) ва

Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор ингилишида кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг янги ва самарадор имкониятларини излаб топиш зарурлиги қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан қатор ўрганувлар ўтказилмоқда. Жараён аҳолининг иш билан бандлиги асосини ташкил этувчи соҳа — қишлоқ хўжалиги тармоқларида олиб борилади ва бу борада мўайян натижага эришиш мумкинлиги аёнлашди.

Бундай амалиёт хоржий давлатларда мавжуд ва ижобий самара берган. Мисол учун, 2023 йилда Грузия ҳукумати “Қишлоқ хўжалиги кооперативларида резавор мевалар учун совитиш омборларини биргаликда молиялаштириш” давлат дастурини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилган. Қишлоқларни ривожлантириш агентлиги амалга оширадиган давлат дастурига кўра, камиди 30 тонна ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган совитиш омборлари молиялаштирилади. Шунга ўхшаш дастурлар Молдова ва Украинада ҳам амалга оширилди.

Шу боис, мева-сабзавотларни сақлаш, шокли музлатиш ва қайта ишлаш лойиҳалари учун совитиш омборларини жойлаштиришнинг кўрсатилган транспорт йўналишларининг рақамли харитасини яратиш ҳамда очиқ фойдаланиш учун жойлаштириш,



Янги совитиш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳосил йўқотилишини қамайтиради. Совитиш камералари ҳосилни жуда музлатмасдан вақтинча сақлайди. Бу ҳолатда йўқотиш ҳажми қамаяди. Қолаверса, маҳсулотларнинг кўриниши ва таъмини сақлаб қолиш учун жуда самарали усулдир.

Наманган (788,3 тонна) вилотида экани маълум бўлди. Сигини энг кичик совитиш омборлари Қорақалпоғистон (264,9 тонна) ва Андижон (306,1 тонна) вилотида жойлашган.

Мамлакатимиз бўйича совитиш омборларининг қуввати ялпи йиллик мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг ўртача 4,5 фоизини қоплайди. Мутахассислар таъкидича, сақлаш қуввати энг яхши ҳолатда маҳсулот экспорт имкониятини қамиди 75 фоизини қоплаши керак. Ўзбекистондан ўтган йили хорижга 1 миллион 757,7 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Совитиш омборларининг қуввати эса 1 миллион 300 минг тоннани ташкил этган. Демак, қувватини янада ошириш зарур. Келажакда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва экспорти сезиларли ўсиши туфайли совитиш қуввати етишмаслиги мумкин.

Бунга йўл қўймадик учун қатор чора-тадбирлар кўриш зарур. Аввало, совитиш омборлари қувватини оширишда муаммоларни аниқлаш учун ҳудудлардаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, совитиш омборларининг эҳтиёжини уларнинг ҳажми, тури ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида сўров ўтказиш, совитиш ускуналари билан таъминлашда энг қолақ ҳудудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг алоҳида дастурини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига энгил конструкциялардан совитиш омборлари қуриш ҳуқуқини бериш имкониятини кўриб чиқиш зарур.

Шунингдек, янги омборлар қуришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда бир фактни эътиборга олиш керак: 500 тонна ва ундан ортқ қувватга эга совитиш ускуналари йирик корхоналар ва катта миқдорда маҳсулот тўплайдиганлар учун мос келади. Тез айтилдиган маҳсулотлар учун кичик сизимли музлаткичлар талаб қилинади. Қолаверса, ҳосилни сақлаш учун кўчма контейнер-музлаткичларга ҳам эътибор қаратиш керак. Бундай музлаткичларнинг асосий афзаллиги шундаки, инфратузилма учун харажат талаб қилинмайди. Ихчам ва қулай. Мавсумий фойдаланиш мумкин.

Янги совитиш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳосил йўқотилишини қамайтиради. Совитиш камералари ҳосилни жуда музлатмасдан вақтинча сақлайди. Бу ҳолатда йўқотиш ҳажми қамаяди. Қолаверса, маҳсулотларнинг кўриниши ва таъмини сақлаб қолиш учун жуда самарали усулдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга мавсумдан ташқари даврда ҳам қўшимча 1,2-1,7 миллиард доллар миқдорда фойда олиб келиши мумкин. Бу, табиийки, 2023 йил маълумотларига кўра, камбағаллик даражаси 11 фоиз деб баҳоланган мамлакатда ушбу кўрсаткични қамайтиришга ёрдам беради.



Нуктаи назар

ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ

МАЗКУР ТИЗИМ ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА САЛОҲИЯТ БИЛАН БАРПО ЭТИЛАДИ



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Бугун эса тизим буткул ўзгарди. Болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси охиригача етти йилда 27 фойздан 74,6 фойзга кўтарилди.

Мактаб таълимига замонавий методика, сифат ва рақобат кириб келиши, дарсликларнинг энг илғор хорижий тажрибалар асосида тўлиқ янгилаштириш...

Нуфузли рейтинглардаги эътироф

Ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 42 фойзга ортди. Олий таълим муассасалари сони 2016 йилда 77 та бўлган...

QS "Фан соҳалари рейтингини" да 2 та олийгоҳ "TOP-500", "QS Осиё университетлари рейтингини" — 2024 рўйхатида 14 та олийгоҳ "TOP-1000"...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...

Юртимиздаги янгилашлар кўлами кундан кун тобора кенгаймоқда. Халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда одамларимиз кутган ислохотлар ўтказилмоқда.



Кредит-модуль тизими самарали йўлга қўйилди. Мазкур тизимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, талабаларга танлов ҳуқуқи берилди...

Илгари мавзулар консект қилиб ёддирилди, уйга вазифа сифатида ёдлаб келиш берилди, бу жараён ўқувчи ва талабаларни фикрлашга...

Кредит-модуль тизими самарали йўлга қўйилди. Мазкур тизимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, талабаларга танлов ҳуқуқи берилди...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...

Ўн варақлаб концепт ёздирилган кунлар ўтди

Тараққиётни белгилувчи асосий куч юқори малакали кадрлардир. Бундай мутахассисларни етиштириш учун эса таълим тизими яхши ишлайди...



Ёшлар потенциал иш берувчи сифатида шаклланимоқда

Олий таълим соҳасидаги ҳозирги ислохотлар мақсадидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш даярасида талабаларнинг таълим олиши...

Ўқитувчилар учун ниятда қўйилган жиҳатлар енгиллаштирилди. Тарбиявий ишлар билан улар эмас, тьюторлар шуғулланади.

Мактаб давридаёқ ёшларда бирор касбга қизиқиш уйғониши керак. Уларни "Шу олий таълим даргоҳида, шу йўналишда ўқийсанг, 3,5-4 миллион сўм ойлик билан қаерга борасан?"...

Янги бинода янгича шуқуқ

ФарДУнинг янги ўқув биноси — педагогика ва психология факультетига 100 ўринли 5 та, 56 ўринли 6 та маъруза зали, 28 та ўқув аудиторияси...



Йўлидаги асосий қадамлари ва сунъий интеллект технологияларининг бу жараёнда муҳим аҳамият касб эътифони хусусида сўз борди.



сиёсатини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган йирик медиа марказ (студия), 5 та компьютер синфи, 14 та ёрдамчи хона ва 4 та буфет жойлашган.

Ушбу бинода қўшимча равишда барпо этилган 400 ўринли Маънавият ва маърифат маркази фаолият кўрсатмоқда.

Таълим ва спорт бир қушнинг икки қаноти демек

Мамлакатимизда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистонда футболни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида Фарғона давлат университетига ёшларнинг спортга кенг қўламада жалб этиш, хусусан, футбол спорт турининг оммавийлигини ошириш борасида истиқболли лойиҳалар бажарилмоқда.

Дастлаб олийгоҳда янги футбол жамоаси тузилиб, миллионлар ўйини бўлган футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Ҳозирги кунда "Нефчи" футбол жамоасининг собиқ уйинчиси Асад Дўрмонов, шунингдек, махоратли футболчи, "Нефчи" клуби фахрийси Руслан Худайдов ҳам жамоа келажак учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Зиёлилар — жамиятнинг локомотиви

Зиёли инсон ўзини ўзи форматлайди, идора қилади. У ўзлаштирган илми билан дунёқарашида, тафаккурда янгилашган яратяди. Фикр бунёдкори бўлади ва жамият фикрини ҳам тарбиялашга муҳим ўрин тутяди.

Маънавият шаклланиши ва ривожини одатда уч таркибий бўғинда намён бўлади. Мафкура қўрилишидаги биринчи бўғин — маълумот, ахборот тўплаш, асосан, сўз, мулоҳаза, нобрат, гоё ва назариялар даражасида инфодаланади.

Учинчи бўғин билим, ижодий изланиш, фаҳм-фаросат билан инфодаланади. У тафаккуримизда маърифат, дунёвий маънавият тилмолида намён бўлади.

Ушбу маблаг ҳисобидан 2032 йилга қадар умумий қуввати 500 МВт бўлган учта маълумот маркази ташкил этилиши режалаштирилган.

"Яшил" энергия манбаларига асосланган маълумот марказларини қуриш мамлакатимиз учун экологик жиҳатдан барқарор рақамли иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятта эга экани таъкидланди ҳамда "Яшил"

Тараққиёт одимлари

Ўтган ҳафта пойтахтимизда нуфузли "ICTWEEK UZBEKISTAN – 2024" ҳафталиги бўлиб ўтди.

200 дан ортиқ компания иштирок этган ушбу тадбир йирик хорижий ва экспортга йўналтирилган маҳаллий IT компаниялари, FinTech, ўйин ва роботтехника саноати, телекоммуникация соҳаси вакиллари, таълим компаниялари, электроника, дастурий таъминот ва техник хизматлар ҳамда бошқа кўплаб компаниялар вакиллари билан мулоқот учун имконият яратди.

Тадбир доирасида ташкил этилган ICT EXPO кўргазмасида Япония, Жанубий Корея, Хитой, Қатар, Латвия каби давлатларнинг миллий павильонлари жой олгани ва нуфузли компаниялари иштирок этгани тадбирнинг кўламини ортаётганидан дарак беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бугунги рақамлашган дунёда Ўзбекистон рақамли саноатидаги энг сўнгги янгиликлар қўрилган ва янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилган, жамоатчиликка ҳисоб берадиган тадбир. Ҳафталик Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги минтақавий марказга айлантириш, инновацион гоиларни ривожлантириш, мамлакат ахборот технологиялари хизматлари экспортини ошириш, таърибга алмаштириш учун платформа яратиш ва замонавий технологиялар ҳамда инновацияларнинг сўнгги ютуқлари, соҳа бозорининг хорижий инвесторлар учун жозибadorлигини намойиш этиш мақсадини муҳим эътиборга олинган.

Ҳафталик доирасида 20 га яқин йирик форум ва саммит ташкил этилди. Стартп, электрон тижорат, сунъий интеллект, ечим провайдерлари, рақамлаштириш ва давлат хизматлари, инвестиция имкониятлари, давлат-хусусий шериклик, таълим, АКТ соҳасида бизнес ҳамкорлиги мустаҳкамлаш каби мавзулар муҳокама қилинган.



Ўзбекистон минтақавий марказ — ахборот технологиялари хаби бўлади

Унда расмий вазирилик ва идоралар, хорижий таълим вазирилик вакиллари иштирок этди.

Шундай тадбирлардан бири "IT соҳасида аёллар: имкониятлар ва муаммолар" конференцияси бўлди. Унда соҳада муваффақиятли карьера қуришга интиляётган аёл-қизларни илҳомлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тўсиқларни бартараф этиш ва мукамалликка эришиш стратегияларини муҳокама қилиб, тўғри йўлга қўриштириш, профессионал ривожланиш, лидерлик, гендер тенглик мавзуларида етакчи экспертларнинг чиқишлари, панел муҳокама қилиниб бўлиб ўтди.

20 йилдан бунён ўтказиб келинаётган бу тадбир жорий йилда ўзгача шуқуқ ва кўлам касб этди, — деди рақамли технологиялар вазири маслаҳатчиси Камола Собирова.

Хотин-қизлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар опа-сингилларимизнинг ахборот технологиялари соҳасида қизиқиши янада оширишга замин ҳозирлайди. Бунини айни кунда соҳада ноки хилхат вакиллари улуши салмоқидан ҳам билса бўлади.



барча жараён рақамлаштирилади. Илгари фермер қўғозбозлик билан давлат таъшиқлотларига югурган бўлса, энди ўзига ажратилган ерининг ҳар бири қаричига нима, қанча экилганини рақамлаштирилади.

Бундан ташқари, компания томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида йўлга қўйилган ахборот тизими мамлакатимизда мутлақо янги саналади.

Ҳафталик ёрқин воқеаларга бой ўтди. Қизгин мунозара ва муҳокама, тақдимот ва кўргазмалар, манфаатли келишувлар иштирокчиларга унутилмас таассуротларни тақдим этди.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигига

Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли Муҳаммад Тарағай Улуғбек 1409 йилдан 1449 йилгача Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган. Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда фан, маданият ва адабиёт гуллаб-яшнаган. Албатта, ўша замон ҳақли равишда Темирийлар Ренессанси даври деб аталади. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, "олий мартабали подшоҳ Мирзо Улуғбек илму фазилати кўплиги туфайли ҳазрат Соҳибқирон Амир Темирнинг азиз авлодлари ичида тўла устунликка эга эди ва ҳамиша олий ҳимматини олимлар ва фозиллар тарбияси ва рияоси учун қаратарди. Давлати замонидида ул тоифадан кўпчилиги Самарқанд шаҳрида йиғилган ва бу подшоҳнинг давлату иқболи соясида ғоятда фароғат ва тўкин-сочинликда ҳаёт кечирган эдилар". Мовароуннаҳрда бу даврда ўзбек тилидаги адабиёт ўз ривожига янги поғонага кўтарилди. Адабий жараёнда ўзбек ва форсийзабон шоирлар баробар иштирок этган. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи бошқарган, Самарқандда ўша даврнинг энг яхши шоирлари жам бўлган эди. Ҳўш, ўз атрофида кўплаб машҳур шоирларни тўплаган Улуғбек шеър ёзганми?



Улуғбекхон билур Лутфий камолдин...

ёхуд фан, маданият, адабиёт гуллаган мазий боғи



Шерхон ҚОРАЕВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

шеърларини XV асрнинг ғоятда машҳур шоири Салмон Соважий шеърлари билан тенг кўрган".

Улуғбекхон билур Лутфий камолдин, Ки рангин шеъри Салмондин қолишмаси.

В.Зоҳидовнинг "Улуғ шоир ижодининг қалби" китобида ҳам Улуғбек саройидаги ана шундай адабий муҳит қаламга олинган: "Темирнинг ўғли Шоҳруҳ ўзининг ёш ўғли Улуғбекни Самарқанднинг, 1411 йилда эса бутун Мовароуннаҳрнинг ҳокими қилиб тайинлайди. Улуғбек илм, адабиётга қизиқади, уларни чуқур эгаллайди, ўзининг пойтахтини безашга ҳаракат қилади. Кўп гўзал, муҳташам бинолар содирлади, баъзи ерлардан атоқли олимларни келтиради, олимларга, шоирларга ҳурмат билан муносабатда бўлади.



Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сига асосланиб, Улуғбек Мирзо мажлисларида иштирок этган сарой шоирлари жумласига мавлоно Бисотий Самарқандий, мавлоно Хаёлий Бухорий, мавлоно Бурундук, Хожа Рустам Хурёний ва Тохир Абивардий Хожа Исмаил билан суҳбатдошу асрдош акобир ва шоирлар жумласидандир. Хожа Исмаилнинг вафоти Улуғбек кўрагон замонидида 1436 (829 ҳижрий) йили содир бўлган.

неча қасида ёзди. Охири шеър ёзмай қўйди. (Шундай бўлса ҳам) у (Улуғбек)нинг шарофатли мажлиси шоирлар тилаги ва фозиллар тўпланадиган жой бўлиб қолди. Мавлоно Бисотий Самарқандий, мавлоно Хаёлий Бухорий, мавлоно Бурундук Бухорий, Хожа Рустам Хурёний ва Тохир Абивардий Хожа Исмаил билан суҳбатдошу асрдош акобир ва шоирлар жумласидандир. Хожа Исмаилнинг вафоти Улуғбек кўрагон замонидида 1436 (829 ҳижрий) йили содир бўлган.

Эй шикинг ўқиға ошиқ дил нишон, Халқ сени гамингда, сен эса пинҳон. Қўламаи гоҳо дайр, гоҳ масъид макон, Уйма-ўй излайми сени ҳар қачон.

Самарқанд тахтига Улуғбек келган, Халил Султон саройи шоири Хожа Исмаилуло саройи хизматини тарк этади. Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро"да бу ҳақда ёзади: "Номи зикр этилган султон (Улуғбек) ундан шеър айтишни сўради. (Шунинг учун) заруратдан ул ҳазрат (Улуғбек) мадҳида бир

Улуғбек саройида кўпгина олим ва шоирлар тўпланган. Сақокий уларнинг пешқадамларидан эди. Сақокий Мирзо Улуғбекка бағишлаб 5 та қасида ёзган. Адабиётшунос Қ.Мунирнинг фикрича, "Сақокийнинг қасидасидан борасидати

маҳоратини назарда тутадиган бўлсак, шак-шубҳасиз, уни ўзбек қасидачилигининг асосчиси, десак ялғизмаймиз. У улуг шоир Лутфий билан беллаша оладиган шоир даражасида бўлган". Бу ҳақда Алишер Навоий "Хутбаи давоин" асарида: "Уйғур иборати фусаҳосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин мавлоно Сақокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин аётининг иштихори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф газалиётининг интишоири Ироқ ва Хуросонда бениҳоятлудурур ва девонлари мавжуд бўлғай", деб ёзган. Бундан кўринадики, темирийлар даври шоири Сақокийнинг гўзал қасидалари ва бетакор газаллари нафақат Самарқанд адабий муҳитида, балки бутун Мовароуннаҳрда машҳур бўлган.

Сақокий қасидаларида Мирзо Улуғбек адабий баэмлари — мажлисларини зикр этганини кўриш мумкин. Албатта, бундай шеърят кечалари Сақокий сингари шоирларнинг камолотига, мамлакат бўйлаб овози таралишига хизмат қилган.

Абдуқодир Ҳайитметов "Фунун-л-балого" асари сўзбошида бундай ёзади: "Қасида мазмунидаги бу таржебанднинг муаллифи айтилмаган. Уни Шайх Аҳмад Тарозийнинг ўзи ёзган бўлиши мумкин. Бу таржебанд услубидан Сақокий қасидалари йўлида ёзилган. Шоир Улуғбек билан яқиндан муносабатда бўлиб, унинг суҳбатларида иштирок этган кўринади. Шайх Аҳмад Улуғбекни Самарқанддагина эмас, Тошкент ёки Сайрамда, Тароз ёки Ашпарада кўрган, "Фунун-л-балого" асарини унинг маслаҳати билан ёзишга қўл урган бўлиши ёки бу асар яратилганда унинг Улуғбек хабардор бўлган бўлиши мумкин. Чунки В.В.Бартольднинг ёзишича, Улуғбекка бобоси Амир Темир 1404 йили Тошкент, Сайрам, Янги (Тароз), Ашпара ва Мўғлистонни суюргол сифатида берган, Улуғбек бу ерларда тез-тез бўлиб турар эди.

Шу билан бирга, Улуғбек бу даврда адабиёт гуллаб-яшнаётганини тўғридан тўғри билан асарга эҳтиёж сезганини ҳам тахмин қилиш мумкин. Улуғбекнинг шахсан ўзи эса адабиётнинг ички, ўзига хос қонун-қоидаларини жуда яхши билар, адабий

асарларга, шоирларнинг шеърларига баҳо беришда уларга асосланар эди". Адабий мажлисларда мушоиралар ўтказишдан ташқари асарлар ўқилиб, адабий мавзуларда баҳсу мунозаралар қилинган. Уламоу фузало шоир Сайфидин Исфарангий девонини Улуғбек кўрагон адабий мажлисларида ўқир, султон унинг газалларини Асириддин Ахсикатий сўзларидан ортиқ кўрар эди. Ёки Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро"сидаги маълумотларга асослансак, султоннинг укаси Бойсункур Мирзо Деҳлавийнинг, Улуғбек эса Низомийнинг "Хамса"сини хуш кўрган: "Шу давво туфайли ҳар икки подшоҳ ўрта-сида кўп тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳамият кўрсузув эрдилар". Ана шу эътирофдан келиб чиқсак, Улуғбекнинг шеърят кечаларида Низомий "Хамса"си ва шеърлари ўқилган ҳамда бу борада баҳс-мунозаралар ўтказилган.

Нақл қилинишича, Саид Имом Хубоний фозил ва хуштаб киши бўлган. У бундай ҳикоя қилади: "Мирзо Улуғбекнинг мажлисларидан бирида Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си ўқилди. Мирзо ундаги баъзи шеърларнинг маъносини (ечини) аҳли мажлисга ҳавола қилди. Мовароуннаҳрлик бир киши "Шоҳнома"ни мирзога, унинг яқинлари ва маҳрамларига хуш келмайдиган бир оханда ўқиди. Мирзо таажубланди ва Хубонийга мурожаат қилди, "Ушбу сўз аслида қаердин чиққан?" деб сўради. "Хуросондин чиққан", деб жавоб қилди у. Мовароуннаҳрликлар унинг гапига қўшилиб, "ҳа, хуросонликлар ўз мажлисларида (бу лафзни) шундай талаффуз қиладилар", дедилар. У сўзини довам этиб, "Хуросонда бирор шеърини ёки бовқа нарсани ўқитганларида бузиб ўқийдилар, масалан, "зафар аскан" ("зафар маскани") сўзини "зафар-боз" ("зафар ўйини") деб ўқийдилар", деди. Мирзо унинг жавобидан мамнун бўлиб ва унга хош чопонларини инъом қилди, "минбаъд менинг хузурида "Шоҳнома" бунақа бузиб ўқилмасин!" деб амр қиладди.

Мухтасар айтганда, Мирзо Улуғбекнинг адабий мажлислари ўз даврида илму фан ва мумтоз адабиётнинг гуллаб-яшнашига олиб келган.

Тошойна

"ИЛТИМОС, САВИЯ БИЛАН ЯРАШИБ ОЛИНГЛАР"

Яқинда ҳамкасблар билан маърифий бир тадбирда иштирок этдик. Ташкилотчилар очик осмон остига 200 чоғли ўриндик тизиб, жойни тўлдириш учун 4-5 ўқитувчи бошчилигида қайсидир мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан чамаси 75-80 нафарини ҳам олиб келган экан. Мавзусига кўра, сўзга чикувчилар китобхонликка эътибор, муталаа маданиятини ошириш, одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритарди. Демак, залдаги ўқувчилар китобга ҳавасманд, адабиётга монелиги бор, ўқитувчилар эса, хойнаҳой, ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари эканини тахмин қилиш мумкин.

Тўғриси айтиш керак, ўсмир ёшидаги йигит-қизларни мавзу умуман қизиқтирмаётгандек эди. Негаки улар бемалол туриб юрар, овозини пасаитирмасдан бир-бири билан гаплашар, телефонда мулоқот қиларди. Биров "ҳай" дейди. Бир-икки ёши катталар тартиб сақлашни сўраб, танбех берди, фойдаси бўлмади. Энг охиби тушгани биздан орқадаги қаторда ёнидагиларга эшиттириб гаплашиб ўтирган икки ўқитувчининг суҳбати бўлди.

Даврани олиб борувчи "Сўз Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзога", дея эълон қилди. Минбарга чиққан ардоқли шоиримиз доимгидек анча салмоқли мулоҳазалар билдириб, ёшларни илм олишга, китоб ўқишга даъват эта бошлади.

— Акмал Мирзо уюшма раиси эмасмиди? — деди биринчи муаллим.



— Йўқ, Акмал Мирзо, менимча, рассомчилар уюшмаси раиси. Бу ёзувчилар уюшмасидан экан, — дея билангонлик қилди иккинчиси.

Чидаб туролмадим.

— Бу киши шоир Минҳожиддин Мирзо, Акмал Мирзо бошқа, у телебошловчи. Рассомчилар эмас, рассомлар уюшмаси бўлган аввал. Ҳозир Ўзбекистон Бадий академияси дейилади. Раиси эса Акмал Нур, — дедим овозимни пасаитириб.

Шу ерда хурматли ўқитувчиларимиз бир оғиз "Ие, шунақамиди, биз билмас эканмиз, энди билиб олдик, раҳмат айтганингиз учун" қабилида жавоб бериб қўйса, олам тулстиган бўларди. Аммо...

— Нима фарқи бор?

Ғалим ёқмаганидан қош чимириб айтилган бу саволнинг жавобига тилим айланмай қолди. Муаллим аёлларнинг иккинчиси қўшимча қилди:

— Биз шунақа, савиямиз билан уришиб қолганми!

Энди ёнимда ўтирган ҳамкасбимиз ўзини ушлаб туролмади:

— Илтимос, савия билан ярашиб олинглар. У ҳали ҳаётда кўп асқатади.

Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограм" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Бюджет — 3296.

41369 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова

Мусахҳиш: Малоҳат Минғобоева

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй